БОШЛҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЁЗУВ МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Фарида Шаиловна Юлдашева
Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар
12-сонли мактаб ўқитувчиси

Комила Убайдуллаевна Юзбаева
Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар
12-сонли мактаб ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада бошланғич синфларда ёзув малакаларини шакллантириш,синфда ўқувчиларнинг иш жойини тўғри ташкил этиш, ёзув қуроллари ва улардан фойдаланиш, ёзув сифатини шакллантириш, чиройли ёзув малакаларини шакллантириш усуллари ёритилган.

Калит сўзлар: диққат, сезги, идрок , хотира, ёзув техникаси, ёзув қуроллари

METHODS OF FORMATION OF WRITING SKILLS OF PRIMARY SCHOOL STUDENTS

Farida Shailovna Yuldasheva
Teacher of school No. 12 in Chirchik, Tashkent region

Komila Ubaydullayevna Yuzbayeva
Teacher of school No. 12 in Chirchik, Tashkent region

ABSTRACT

The article describes the formation of writing skills in primary school, the correct organization of the workplace of students in the classroom, the tools and their use of writing, the formation of writing quality, the formation of beautiful writing skills.

Keywords: attention, intuition, perception, memory, writing technique, writing tools

КИРИШ

Бошланғич синфларда ўқувчининг келажакдаги тараққиётини белгилаб берувчи руҳий,таълимий асослар қўйилади.

Баркамол авлод тараққиёти савод чиқаришнинг асоси бўлган алифбе дарсликларининг таълимий-тарбиявий сифат даражасига боғлиқ.

Алифбе даврида ўқиш ва ёзишга ўргатишнинг уйғунликда,баравар олиб борилиши таҳлил-таркиб товуш усулининг энг асосий хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Кичик ёшдаги ўқувчиларни чиройли ёзувга ўргатиш учун уларни мактабга келган кунлардан бошлаб қуйидаги вазифаларни бажаришга ўргатиш зарур:

1. Ёзув вақтида партага тўғри ўтириш .
2. Ёзув қуролларидан тўғри фойдаланиш
3. Дафтарадан тўғри фойдаланиш
4. Ёзма шакилдаги харф ва унинг унсурлари билан таништириш.
5. Ёзма шакилдаги харфлар ёрдамида бўғин, сўз ва гаплар ёзиш.

Ўқувчиларда ёзув малакаларини шакллантириш учун биринчи навбатда ҳарфларнинг шаклини тўғри ташкил этишга, тўғри тасаввур қилишга бир хил қияликда ёзишга, харф унсурларини бир-бирига тўғри боғлаб ёзишга, сўзларни қаторларга, тўғри жойлаштиришга ўргатилади.

Чиройли ёзув малакаларини шакллантиришга энг биринчи қоида бу гигиеник талаблардир.

Ўқувчиларда ёзув малакаларини хосил қилиш учун диққат, сезги, идрок, хотира каби психофизиологик функциялар иштирок этишини кўрамиз. Бу хол ўқувчига идрок этган ва сезган нарсаларини хотирага мухирлаш имконини беради.

Чиройли ёзувга ўргатиш учун биринчи навбатда қуйидаги малакаларни сингдириб бориш талаб этилади.

- Ёзув қуролларидан тўғри фойдаланиш .
- Парта устига дафтарни тўғри қуйиш.
- Ёзаётганда гавдани тўғри тутиш ва тирсакларни тўғри харакат қилдириш.
- Ўз хатини берилган намуна билан таққослашга ўргатиш
- Товушни босма харфга босма харифларни эса ёзма шакилга айланишга ўргатиш.
- Харфларнинг шаклини тўғри идрок этишга ўргатиш.
- Харфларни бир –бирига боғлаб ёзишга ўргатиш.
- Харфларни бир хил баландликда ва кенгликда текиз ёзишга ўргатиш.
- Дафтар чизиғидаги қаторларни тўғри тўлдириш, сарлавха , ой ва кунларни тўғри ёзиш.
- Харфларнинг қиялигини тўғри сақлаш.

Биринчи синф ўқувчиларини чиройли ёзувга ўргатишдан олдин қуйидаги малакаларини бериш лозим :

Ёзув малакаси турли усул ва приёмлардан фойдаланиш. Ҳарфларнинг шаклини тўғри ифодалаш,график малакаларини эгаллаш. Ёзув вақтида

ҳарфларнинг шакли билан бир қаторда уларнинг қандай товуш билдиришини ҳам билиш,яъни имлога оид малакаларини эгаллаш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳар бир малака ўз олдига маълум бир қоидани мақсад қилиб қўяди.Масалан, ёзув техникаси-ёзув қуролларидан тўғри фойдаланиши,ёзаётганда партага тўғри ўтириш, қўлни тўғри тутиш, умуман гигеник қоидаларга амал қилишни талаб қилади. График малакалар эса ҳарфлар шаклини тўғри ифодалашни,уларнинг орасидаги масофанинг бир хил бўлишини, қияликни тўғри сақлашни талаб этади. Имлога оид малакаларда эса қайси ҳарф қандай товуш билдиришини ва уларни ўз ўрнида туришини талаб этади.

Ёзув малакалари 6-7 ёшли болалар учун ўқитувчи томонидан бевосита кузатиб боришни талаб этади қийин жараёндир.Худди шу даврда ўқувчилар томонидан бажарилган машқлар келгуси учун муҳим аҳамятга эгадир.

Ўқувчи ўзининг дастлабки ёзган ҳарф ва унсурларидан руҳланади ўзига бўлган ишончи ортади ва қийинроқ ҳарфларни ёзишдан чўчимайди.Шунинг учун ҳам ўқувчиларда дастлабки ёзув малакаларини ҳосил қилишда уларнинг иродасини мустаҳкамлашга этибор бериш лозим.Бунда ўқитувчининг болалар бемалол бажара оладиган топшириқлар танлаши катта йўл ўйнайди.

Бу даврда болалардаги психологик хусусиятларни ҳамда уларнинг физиологик хусусиятларни ҳамда уларни ўсишларини ҳисобга олиш босланғич синф ўқитувчисининг муҳим вазифасидир.

Ўқувчилар жуда кўп вазифаларни,ўқиш, ёзиш,расм чизиш ва бошқа машқларни партада ўтириб бажарадилар бу даврда ўқитувчи ўқувчиларни тўғри ўтиришга ўргатиши,уларниниг эркин ишлаши учун зарур шарт шароит яратиб бериши керак бунинг учун ўқув йили бошида ўқитувчи мактаб ҳамшираси билан ҳамкорликда ёшига болаларнинг бўйига ҳамда кўриш ва эшитиш қобилятларинига қараб парталарга ўтқазиши муҳимдир.

Ўқувчилар партаси синфдаги асосий жиҳоз бўлиб у ўқувчиларнинг ёшлари ва бўйларига мос,ёзиш ва расм чизиш учун қулай бўлиши ўқувчи ўтириб турганда халақит бермаслиги лозим.

Ўқувчиларда ёзув малакаларини ҳосил қилишдан олдин ,уларни сифатли ёзув қуроллари билан таъминлаш лозим .Ёзувнинг чиройли бўлиши кўп жихатдан ёзув қуролларига боғлиқ . Уларнинг ёзув қуролларини мунтазам назорат қилиб бориш ўқитувчининг мухим вазифасидир.

Дастур талаблари бўйича биринчи синф ўқувчилари “Алифбе” китобига илова тариқасида чиқарилган “Ёзув дафтаридан“ фойдаланишлари лозим, “Ёзув дафтари“ сифатли қоғоздан ишланган , силлиқ ва чизиқлари аниқ ва кўриниб турадиган бўлиши лозим. Дафтардаги қия чизиқлар орлиғи 25 м.м

65 % кичик харфлар ёзиладиган сатр чизиғи оралиғи 5 м.м тенг бўлиши лозим.

Ўқувчилар учун тавсия этиладиган шарикли ёки гелли авторучкаларнинг йўғонлиги уларнинг қўл бармоқларига мос бўлиб, узинлиги 130 мм ошмаслиги лозим.

Ўқувчилар ёзувининг сифати кўп жихатдан юқорида кўрсатиб ўтилган ёзув қуролларига боғлиқ .

Ёзувнинг сифатини шакилантириш деганда , биз унинг аниқ ва тоза бир хил қияликда ва буландликда бўлишини , бир текис силлиқ ёзилишини тушинамиз.

Ўқувчиларда ёзув сифтларини шакиллантириш учун ўқитувчи қуйидаги кўрсатмаларга амал қилиши лозим .

1. Харф унсурлари ва харфларни тўғри боғлаб ёзиш
2. Ёзувни 65 қияликда ёзишга ўргатиш.
3. Хар бир қатордаги харфларнинг бир хил баландликда бўлишига эришиш.
4. Харф унсурлари , харфлар ва сўзлар орасидаги масофаларни бир хилда сақлаш
5. Синфдаги барча ўқувчиларни бир хил тезликда равон қилиб ёзишларига эришиш.

Бошланғич синфларда ёзув малакаларини шакиллантириш усуллари қуйидагиларни ташкил этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Намунага қараб ёзиш. Чиройли ёзувга ўргатишнинг энг асосий усулларидан бири харфларнинг шаклини намуна қилиб кўрсатиш ва ёздиришдир хар бир харф намунаси доскада барча ўқувчиларнинг диққатини жалб қилган холда ёки айрим ўқувчиларга дафтарда алохида –алохида кўрсатиб бериши лозим . Ўқиувчининг вазифаси эса доскада эслаб қолган шаклларини ўз дафтарларига тўғри акс эттиришдир. Доскада ёзиб кўрсатилаётган хар бир харф барча ўқувчиларга аниқ кўриниб туриши шарт , агар айрим ўқувчилар уни кўра олмаган бўлсалар , айтадан такрорлаб кўрсатиш лозим.Ўқитувчи томонидан хар – бир харф ёки харфларнинг боғланиши оғзаки ёки доскада тушунтириш орқали , қўлни қаерга кераклиги қаерда қўл харакатининг бурилиши ва қаерда бу харакат узилиши талаб этилиши, харфларнинг

баланд – хастлиги қайдаражадалиги каби кўрсатмалар орқали тушунтирилади.

Наманага қараб кўчириб ёзиш. Бу жуда қадимий усул бўлиб , хозирги кунда хам ўз қимматини йўқотгани йўқ . Ўқувчилар асосан харфларнинг шаклини “Ҳуснихат“ китобидаги ёки “Ёзув“ дафтаридаги наманага қараб кўчириб ёзадилар.

Намунага қараб кўчириб ёзиш тайёр харфларнинг устидан ёзишга нисбатан анча мураккаб бўлиб , уларнинг хар иккиласини қайси вақтда қўллашни ўқитувчи яхши билиши керак. Тайёр холдаги нуқталар билан ифодаланган харфлар устидан қўлни юргизиб машқ қилиш ихтиёрсиз жараён бўлиб ўқувчилар бу топшириқни осон бажарадилар ўқувчиларнинг дафтарларига ўқитувчи томонидан ёзиб кўрсатилган хар бира намуна чиройли ва аниф ёзилиши лозим.

“Ҳуснихат“ дапрлигида берилган намунага қараб ёздириш ўқитувчининг вақтини тежайди хамда ишлаш учун имконият яратиб беради. Бунинг учун хар бир ўқувчининг олдида дарслик бўлиши зарур.

Нусха кўчириш. Бу усулни харф шаклини тўғри тасуввур эта олмайдиган ёзишда дафтар чизиқларида тушуиб ёки чиқиб кетадигон ўқувчилар учун қўлўлаш мумкин.

Масалан, бир ўқувчи Б харфини ёзишда хатога йўл қўяётган бўлса ўқитувчи уларни нуқталар билан ифодалаб дафтарга қаламда ёзиб кўрсатади, ўқувчи эса унинг устидан сиёх юргизиб чиқади бу усул ўқувчининг шу харф хақидаги тасаввурини кенгроқ шакиллантиради. Айрим холларда нуқталар ифодаланган харфлар орасини кенгроқ ташлаб, улар орасида мустақил машқларни хам ташкил этиш мумкин . Шундагини ўқувчи шу харфнинг ёзилиши хақида тўлиқ тасаввурга эга бўлади.

Айрим ўқувчилар чиройли ёзувга ўргатишнинг даслабки даврларида ўқувчиларнинг харф ва унинг унсурлари хақида турли тасаввурга эга қилиш учун юпқа хитой қоғоздан хам фойдаланадилар .

Бундай машқлар фақат йўл харакатини ўстириш учун ёрдам берди холос. Узоқ муддат ёзган болалар харфларнинг шаклини мустақил ёки намануга қараб ёзишда қийланадилар.

Шунинг учун нусха кўчириш усулидан фақат якка-якка машқ қилишда фойдаланиш лозим.

Тасаввур орқали ёзиш юқорида кўрсатиб ўтилган усуллар билан бир қаторда тасаввур қилиш орқали ховода харфларнинг шаклини ёзлириб машқ қилдирилади.

Ўқитувчи доскада ёзиб кўрсатган харф ёки боғланишларни ўқувчиларга қандай қилиб ёзишни, ручканинг хавода харакатини кўрсатиб ўқувчилар тасаввур хосил қилганларидан сўнг дафтарга ёзишга рухсат этилади. Бундай машқлар ўқувчиларнинг қизиқишларини ўстиради, ҳамда жисмоний машқларни хам бажариш имконини беради.

Аммо ўқитувчи бу усулдан фойдаланишда синфдаги барча ўқувчиларнинг қўл харакати қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлигини бир вақтда текшира олмайди. Бир неча ўқувчинигина кузатиб тегишли кўрсатма бера олиши мумкин. Нусха кўчириш тасаввур орқали ёзиш чиройли ёзишга ёрдамчи усуллардир.

МУҲОКАМА

Харфларни шаклини тахлил қилиш харф ва унинг унсурларини тахлил қилишни турлича амалга ошириш мумкин харфларни унсурларга ажратиб тахлил қилиш хар бир харфнинг неча унсурдан тузилганлигини хар бир унсур қандай шакилга эга эканлигини бу унсурлар бошқа харфлар билан боғланишда қандай кўринишга эга бўлишини ўқувчилар тасаввур этадилар. Аммо соддалаштирилган харфлар алфавити кўп харифларни унсурларга ажратмай бир бутун шакилда ёзишни тавсия этади. Айрим харфлар бир неча унсурдан ташкил топган бўлиб улар бир бутун шаклда ёзилади , аммо ўқитувчи унинг неча унсурдан иборат эканлигини фақат эслатиб туриши мумкин. Масалан, кичик н ва м харфининг биринчи унсури бир хил шаклга эга , аммо кичик н харфида битта илмоқли кичик таёқча бўлса , кичик м харфида иккита илмоқли таёқча бўлади бу ерда фақат ўқитувчи харфларнинг нечта унсурдан ташкил топганлигини эслатиб ўтади, ёзишда эса бу харфлар қўл харакатини узмасдан ёзишни талаб этади.

Ёзув малакасини онгли ўзлаштириш. Чиройли ёзув қоидаларини яхши билиш ёзув малакасининг шакилланишига яқиндан ёрдам беради.

Чиройли ёзув қоидаларини қисқа ва тушунрли қилиб баён этиш лозим. Шундагина ўқувчилар уни тўлиқ ўзлаштиришлари ва амалда қўллашлари мумкин. Масалан, биринчи синфда дастлаб тўғри ўтириш, ручкани тўғри ушлаш, дафтарни тўғри холатда қўйиш каби талаблар асосида сўзларда харфларнинг баландлигини ва қиялигини бир хилда сақлаш сўзларда харф унсурлари ва хпрфларнинг орлиғини бир узоқликда чамалаб ёзиш қоидалари келиб чиқади.

Фақат иккинчи синфдан бошлаб чиройли ёзиш малакасига ўргатишда ёзув техникасига оид бўлган кичик ва бош харфларни бир хил баландликда

чамалаб ёзиш; харф ва 4-5 харфдан иборат сўзларни қўл харакатини узмасдан боғлаб ёзиш тез ва тоза ёзиш каби қоидалар талаб этилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган хар бир қоида ўзининг аниқ мазмунига эга бўлиши керак. Ўқувчи хар бир қоидани аста секин ўз ўрнида ўрганиб бориши лозим. Ёзувнинг қиялиги хақидаги тушунчалар чуқур сингдирилгандан сўнг харфларни бир хил масофада текиз ёзиш қоидалари ўргатилади. Харфларни қўл харакатини узмасдан ёзиш қоидалари ўрганилгандан сўнг, сўзларни қўл харакатини узмасдан ёзиш қоидалари ўргатилади. Чиройли ёзув деганда биз аниқ чизиқлар бўйича хуснихат намуналарида кўрсатилгандек ёзилган хатни тушунимиз. Учинчи синфдан бошлаб эса бу қоидаларга яна қўшимча тез ва тоза ёзиш қоидалари киритилади. Аммо хар қоидани хар дарсда ўқувчини бездирадигон даражада такрорлаш ярамайди, бунда онгли равишда ўзлаштириш учун мўлжалланган қоидалар асқотиши мумкин

Саноқ- оханг усули. Бу усулдан фойдаланишда ўқитувчи хар ва унинг усулларини санаш орқали ёздириб тушунтиради . Бу усулни айниқса савод ўргатиш даврида кенг қўллаш мумкин. Саноқ - оханг усулининг афзаллиги шундаки , биринчи у харфларнинг теккиз ёзилишини таъминлайди ва харф унсурларининг тушуиб қолишига йўл қўймайди. Иккинчидан , секин ёзаётган ўқувчиларни тез ва синфдаги барча ўқувчилар билан баробар ёзишга ундайди; учинчидан ўқувчиларга харакатларни аниқ ва дадил бажаришни ўргатади; тўртинчидан синфда жонлантиришга ёрдам беради. Аммо бу усулдан бутун дарс давомида фойдаланиш тавсия қилинмайди, чунки ўқувчилар чарчаб, ёзув сифатини пасайтириб юборишлари мумкин.

Саноқ – оханг усулини қўллашда, асосан харфларнинг асосий унсури “бир“, “икки”,“уч“ деб санаб борилади. Ёрдамчи улаш унсури “ва“ деб боғланади. Саноқ- оханг усулини қўллашда харф ёки унсурлар аввал саноқсиз ёзилади сўнгра саноқ билан ёздирилади. Шунингдек бу сул билан ёзишда дастлаб секинроқ кейи нчалик уни тезлаштириб ёзиб кўрсатилади Саноқ - оханг усулидан боғин , сўз ва гапларни ёздиришда хам фойдаланиш мумкин.

Хатолар устида ишлаш. Бу сулни қўллашдан мақсад хар бир ўқувчини ўз хатосини мустақил топа олишга ва уни тузатишга ўргатишдир. Ўқувчиларнинг ўз ёзувларидаги харфларнинг тўғри ёки нотўғрилигини, қиялигини баланд ёки паст ёзилганлигини текшириб чиқиш топширилади.Ўқувчилар навбати билан ўзлари йўл қўйган камчликларини айтиб берадилар айрим ўқувчиларга ўқитувчи ёрдам беради .Кўпчлик

ўқувчиларнинг такрорланган бир хилдаги хатоларини ўқитувчи доскада тахлил қилиб уни қандай тузатиш йўлларини кўрсатиб беради .

Биринчи синфда ёзув машқларини ташкил этиш. Бир мунча мураккаб бўлиб, у бир неча даврларга бўлинади ва бир неча вазифани ўз ичига олади, Болалар ўқитувчининг кўрсатмасига аоссан доскага ёзган харф ва сўзларни кўриб борадилар сўз ва боғинларни тахлил қиладилар. Нуқталар билан ифодаланган харфларнинг устида бўяайдилар. Ўқувчиларни ёзишга ўргатишдан аввал тўғри ўтириш қоидаларини қоидаларини тушунтириб бериши шарт шу билан бирга ўқитувчи бутун дарс давомида ўқувчиларга тўғри ўтириш қоидалари эслатиб туриши лозим. Ўқувчиларга чиройли, аниқ ва тоза ёзишга қизиқиш уйғотиш биринчи навбатда ўқитувчига боғлиқ бошланғич синф дастурининг сўнгги босқичида ёзувга ўргатиш ўқиш дарси билан ёзув дарсини чамбарчас боғлашни мақсад қилиб қўяди. Ўқиш дарсларида ўқувчилар товуш хамда босма харфлар билан таништирилса, товуш ва харфларни анализ ва синтез қилиш орқали уларнинг нутқи ўстирилади. Шу киби ёзув дарси хам ўзининг айрим алахида хусусиятига эга. Ёзувга ўргатиш ўз навбатида қуйидаги қатор тушунчаларни билишни талаб этади. Масалан, баланд-паст, бир хил кенг-тор, яқин-узоқ, юқори, тенг, қия-тўғри, чапга ва бошқалар. Ўқитувчи ёзишга ўргатишга бошлашдан олдин ўқувчилар билан юқорида қай этилган тушунчалар устида иш олиб бориши лозим. Бу ўқувчиларга харфларнинг шаклини аниқ харакатини яхши тушунишларига катта ёрдам беради.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда ёзиш малакаси ўқиш малакасига нисбатан анча мураккабдир. Шунинг учун биринчи синфда ўқув шақлари учун берилган алифбегача бўлган давирни бир мунча узайтириш мумкин. Аммо бу даврда ёзув дарси ўртасида бир мунча фарқ бўлиши мумкин ундан қўрқмаслик керак чунки бу вақтда ўқувчилар сўз ва харфларни ўтилган матириаллар асосида ёзиб ўрганадилар.

REFERENCES

1. Tojieva Zulxumor Nazarovna, Dusmanov Farhod Azamqulovich, Muhamedova Nazokat Jurayevna, & Haydarova Surayyo Abdusalomovna (2016). Mustaqillikdan keyingi yillarda O'zbekiston Respublikasi aholisining o'limi va umr ko'rish davomiyligi. Evropa ilmiy sharhi, (3-4), 24-27.

2. Shernayev Akbar (2020/1/30) Abstracts of V International Scientific and Practical Conference Osaka, Japan 29-31 January 2020,189-193.
3. Иброимов, Ш. И. Ў., & Болтаев, М. Ж. (2020). Ўзбекистон тоғ-водийларининг экотуристик имкониятлари ва улардан фойдаланиш. Academic Research in Educational Sciences, (1).
4. Rajabov Furkat Turakulovich, Sattarov Abdisamat Umirkulovich (2020) FARMS OF UZBEKISTAN: DEVELOPMENT, SPECIALIZATION, GEOGRAPHY. Journal of Critical Reviews, 7 (6), 1189-1196.
5. Oybek Uralovich Abdimurotov (2020). TABIIY GEOGRAFIYA DARSLARINI MUSTAQIL O‘RGANISHDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISHNING IMKONIYATLARI. Academic research in educational sciences, (3), 1306-1312.
6. Ibroimov, S., & Madaminova, M. (2020). Maktablarda geografiya fanini o ‘qitish samaradorligini oshirishda innovatsion texnologiyalarni qo ‘llash. Academic research in educational sciences, (1).
7. Radjabov, F. (2020). Describe the Individual Food Industry Contents and their Role in the Delivery of Agricultural Products. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 19(1), 292-294.
8. Komilova, N. K., Haydarova, Ş. A., Xalmirzaev, A. A., Kurbanov, S. B., & Rajabov, F. T. (2019). Territorial Structure of Agriculture Development in Uzbekistan in Terms of Economical Geography. Journal of Advanced Research in Law and Economics, 10(8 (46)), 2364-2372.
9. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, Мансур Фарманович Бўрибеков, & Мақсуда Анвар Қизи Сатторова (2020). ЁШ АВЛОДГА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ЕТКАЗИШ. Academic research in educational sciences, (3), 275-279.
10. Turakulovich RF (2020). Dynamics and Regional Features of Agricultural Production. In the Republic of Uzbekistan. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24 (2), 1264-1269.
11. Фуркат Ражабов, Лобар Джўраева, & Асрор Махмадалиев (2020). ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ: РИВОЖЛАНИШИ, ИХТИСОСЛАШУВИ, ГЕОГРАФИЯСИ. Academic research in educational sciences, (3), 674-686.
12. Шерзод Иброимов, Маҳмуд Болтаев, & Мақсуда Сатторова (2020). МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА РЕКРЕАЦИЯ ТУШУНЧАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Academic research in educational sciences, (3), 146-151.

13. Фуркат Туракулович Ражабов, & Азиза Абдуллаевана Олимова (2020). ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ ЕЧИМИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРНИНГ АҲАМИЯТИ (ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, (3), 697-702.
14. Sharipov Shavkat Mukhamajanovich, Shomurodova Shahnoza Gayratovna, Gudalov Mirkomil Ravshanovich (2020) THE USE OF THE MOUNTAIN KARS IN THE TOURISM SPHERE IN CORT AND RECREATION ZONE OF CHIMGAN-CHARVAK. Journal of Critical Reviews, 7 (3), 475-481.
15. Шомуродова Шахноза Гайратовна Природные озера Тянь-Шаня в зоне отдыха Чимган-Чарвак // Европейское научное обозрение. 2018. №9-10-1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/the-natural-lakes-at-the-tianshan-mountains-covered-in-chimgan-charvak-recreation-zone (дата обращения: 15.12.2020).